БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 148 (379)

26 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгаши. Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Ташқи Ишлар Министрларига Директивалари. Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгаши ўз ишини тамомлади. А. Иден баёноти. Н. А. Булганин баёноти. Д. Эйзенхауэр баёноти. Э. Фор баёноти (1 ва 2-нчи бетлар).

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва В. М. Молотовнинг А. Иден блан учрашуви (2-нчи бет).

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгашида қатнашган СССР ҳукумат делегацияси Женевадан жўнаб кетди (2-нчи бет).

Совет ҳукумат делегацияси Германия Демократик Республикасига келди (2 ва 3-нчи бетлар).

Ҳарбир туп гўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлиши учун курашайлик! (3-нчи бет).

Қўнғиротга поезд келди (4-нчи бет).

СССР блан ЮФХР ўртасида тузилган Савдо Битими ва Тўлов Битимининг ратификация ёрлиқлари айирбошланганлиги тўғрисида ахборот (4-нчи бет).

«Тинчлик йўлида ҳал қилучи қадам» (4-нчи бет).

УМУМИЙ ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевадаги Кенгаши ўз ишини тамомлади. Бу Кенгаш тарихга СССР, АҚШ, Англия ва Франция ўртасидаги муносабатларда янги боскичнинг бошланиши бўлиб киради, шу мамлакатларнинг давлатлари ва халқлари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради, бошқа мамлакатлар учун ҳам, умумий тинчликни мустаҳкамлаш иши учун ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлади. Буюк давлатлар раҳбарларининг шахсий алоқада бўлиши ўзининг катта ролини ўйнади.

Женева Кенгаши бизнинг замонимизда тинчлик манфаатларини кўзлаб халқаро ҳамкорлик қилиш бемалол мумкин эканлигини кўрсатди. Давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилиши эришиш мумкин бўлган реал мақсаддир. Жаҳонни ирора қилаиган нарса ва халқларга ўзининг қонунларини қабул киллираиган куч душманлик бўлмаслиги лозим, балки ҳамжиҳатлик ва яхши ният давлатлар ўртасидаги тинч, дўстона муносабатларнинг асоси бўлиб колиши лозим.

Халқаро кескинликнинг кучайиб кетганлиги урушдан кейинги даврнинг тарихи учун характерли белги бўлди. Ба'зи давлатларнинг сиёсатчонлари, турли социал системалардаги давлатлар ўртасида «совуқ муносабатлар уруши»нинг давом этиши замонимизнинг насибасидир, деб да'во килиб келдилар. Женева Кенгаши «совуқ муносабатлар уруши»дан халос бўлмоқ учун реал йўл борлигини кўрсатди.

Тўрт давлат ҳукуматларининг Бошлиқлари энг муҳим халқаро масалаларни биргаликда ҳал қилиш йўлларини топмоқ учун бир хафта ҳаракат киллилар. Тушмуш шу нарсани исбот киллики, жанжалли халқаро проблемаларни ҳал килмоқ учун реал йўл мавжуддир, бу хилдаги проблемалар эски афсонада айтилганидек, сра ечиб бўлмайиган ва фақат чопиб ташлашгина мумкин бўлган «Гордиев тугуни» сингари проблемалардир, деб эндиликда да'во қилиб бўлмайди.

Бугун э'лон килинаётган хужжатлар — тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг ташки ишлар министрларига Директивалари ва ҳукуматлар Бошлиқларининг охирги мажлисда берган баёнотлари Женева Кенгашининг ижобий натижалар берганлигини ва мухим қарорлар қабул килишга олиб келганлигини кўрсатади.

Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. А. Булганин, Франция, Буюк Британия, АҚШ ва СССР ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевада бўлиб ўтган учрашуви давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни юмшатиш учун, улар ўртасида зарур ишончни тиклаш учун ижобий аҳамиятга эгалиг, деди.

«Бу учрашув тарихий учрашув бўлди. Биз шу хафта ичида яхши ишлар киллик»,—деди президент Эйзенхауэр. Кенгашнинг якунлари тўғрисида А. Иден ва Э. Фор ҳам шу рухда гапирдилар.

Европа хавфсизлиги масаласи Женева Кенгашидаги энг муҳим масала бўлди. Ма'лумки, Совет ҳукумати Европадаги барча давлатларнинг ва Америка Қўшма Штатларининг иштирок қилиши асосида Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди, деб ҳисоблаб келмоқда. Женева Кенгашида бу масала юзасидан қилинган совет таклифлари Европада давлатларнинг бирбирига қарама-қарши гуруҳлари вужудга келтирилган ҳозирги шароитда шу гуруҳларга кирган давлатлар ўртасидаги муносабатларни аввало нормал тинч ҳамкорлик қилиш, улар ўртасидаги низо'ларни тинчлик блан бартараф қилиш йўлига солиш зарурлигини ҳисобга олишга асосланган таклифлардир. Шундан сўнг давлатларнинг мавжуд гуруҳларини тугатиб, уларни Умумевропа коллектив хавфсизлик системаси блан алмаштириш мумкин бўлур эди.

Европа хавфсизлиги масаласи устида фикр олишув Кенгаш бажариган ва бошқа ишлар сингари масалалар асло кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Бу проблемалардан ҳеч қачонгача кетиб бўлмайди, бу проблемаларни Осиё ва Узоқ Шарқда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини, халқаро тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш керак бўлади.

Совет кишилари Женева Кенгаши ҳал килиш пайти келган халқаро проблемаларни янада кўриб чикиш ва ҳал килиш учун йўл очди, деган ишонч блан учинг якунлари тўғрисидаги хабарни ма'куллаб кутиб олмоклар. Совет кишилари шуни яхши биладилар, халқларнинг тинчликкa бўлган кат'ий иродаси туфайлигина тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашини чакириш мумкин бўлди. Халқларнинг тинчликкa бўлган иродаси Женевада Кенгаш бўлиб турган пайтда ҳам якқол кўринди. Ер юзидаги аҳолининг жуда катта кўпчилиги тинчликни ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб килмоқда. Тинчликкa бўлган интилиш барча халқларнинг энг қизгин интилишидир.

Совет ҳукумати айтдики, у Женева Кенгашининг халқаро кескинликни юмшатишга ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини амалга ошириш учун зарур бўлган куч ва ғайратни сарфлайди. Бу эса, ҳали кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши керак бўлган масалаларни чилам блан ва холисона кўриб чиқишни талаб килади. Лекин агар барча давлатлар Женевада бўлганидек, ҳамкорлик руҳида ишлайиган бўлсалар, мана шунинг ўзи тинчликни сақлашдан иборат олижаноб мақсадга эришмоқни ва халқларнинг ўзаро ишонч ва ҳамкорлигини таъминловчи мустаҳкам ва ишончли ва ишонч ва ҳамкорлигини таъминловчи мустаҳкам

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгаши

А. ИДЕН баёноти

Раис жаноблари! Мана биз ҳукуматлар Бошлиқларининг Кенгашини тамомладик. Бу Кенгашни чақириш тўғрисида кўп гапирилган ва зўр бериб тарғиб қилинган эди. Жумладан, сэр Уинстон Черчилль бундан икки йилдан кўпроқ вақт муқаддам бу Кенгашни чақириш ҳақида кўп гапирган ва уни тарғиб қилган эди. Бу Кенгаш ўз олдига чекланган вазифани қўйди. Кенгаш бу вазифани ошиқ блан бажарди.

Бундан 10 йил муқаддам Европадаги уруш тамом бўлган эди. Эндиликда биз, эҳтиёт, шундай ишни бошлашга негиз солдикки, бу ишни биз, эҳтимолки, 1945 йилда бошлашга умид қилган эдик. Эндиликда биз бамаслаҳат бир фикрга келган нарсалар Германиянинг бирлиги ва Европа хавфсизлигидан иборат қўшалоқ проблема блан якиндан шуғулланишга имконият беради. Бу мураккаб масалаларнинг ҳарбир детали осонлик блан ҳал қилинади деб ҳечким ўйламайди. Лекин бутун шу йиллар давомида Европадаги аҳвалнини вужудга келтириб турган ихтилофларга хотима бериш учун амалий таклифлар устида иш бошлаш шанслари уруш тамом бўлгандан кейинги вақтларнинг ҳаммасидагига қараганда ҳозир кўпроқдир.

Бу Кенгашда мана шу бирнеча кун мобайнида муфассал план ишлабчиқамиз деб ўйламадик. Шундай бўлса ҳам, ташқи ишлар министрларига берган директивалримизга кенг битимнинг энг муҳим моментларини киритдик. Биз шундай руҳда ва вазиятда ишладикки, жаҳон буни эътибордан четда қолдирмайди. Бизлар, бевосита музокаралар олиб борган кишилар, бизларнинг учрашувимиз яраҳшидан иборат янги вазиятда ўтганлигини англаб иш кўрдик. Лекин мана шу расмий ишдан ташқари, бизла шахсий алоқа қилмоқ учун кўп имкониятлар бўлдики, менга ма'лум бўлишича, бу имкониятларни ҳаммамиз бебаҳо имкониятлардир, деб ҳисобладик. Мен шу нарсага жуда аминманки, Кенгаш залидан ташқари бўлган алоқалар бизларнинг ҳаммамизга бир-биримизнинг нуқтаи назаримизни ва ҳарқайсимиз луч келаётган проблемаларни анча яхшироқ тушуниб олишга имкон берди. Агар биз ишларимизни мана шу учрашув руҳида давом этдираолсак, ҳозир биз учун умид бўлган нарса воқиалар ривожланиб борган сари мустаҳкам муваффақият бўлиб қолиши лозим.

Н. А. БУЛГАНИН баёноти

Раис жаноблари!

Франция, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари ва Совет Иттифоқи ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевада бўлиб ўтган учрашуви давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинликни юмшатиш учун, улар ўртасида зарур ишончни тиклаш учун ижобий аҳамиятга эга эканлиги шак-шубҳасиздир. Аввало бунга Женевада тўрт давлатнинг раҳбар арбоблари ўртасида ўрнатилган шахсий алоқа ёрдам беради. Биз буерда бир-биримизни яхши билиб олдик ва бирқанча энг муҳим халқаро проблемалар устида фикрлашдик. Ба'зи масалалар устида бизларнинг нуқтаи назаримиз мос бўлиб чиқмаганлигига қарамай, умуман Кенгаш самимийлик вазиятида ва Кенгаш қатнашчиларининг ҳамжиҳатлик ўрнатишга интилишлари белгиси остида ўтди.

Женева Кенгаши бутун халқларнинг э'тиборини ўзига тортди ва уларнинг халқаро кескинликни юмшатишга, «совуқ муносабатлар урушини» тўхтатишга бўлган продасини янада кўпроқ мустаҳкамлади. Биз мана шунинг ҳаммаси ўзининг ижобий ролини ўйнайди ва олижаноб мақсадга эришишга — мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни та'минлашга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Женева Кенгашига Совет Иттифоқи делегацияси аввало Европада коллектив хавфсизликни ва куролсизланишни ташкил қилиш сиёсати асосий халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлидаги амалий ишларни уюштиришга ёрдамлашамиз, деган яхши ниятлар блан келди. Ҳозирги замон вазиятида бу масалалар умумий тинчликни мустаҳкамлаш иши учун ҳал қилучи аҳамиятга эгадир.

Европа хавфсизлиги масаласи Женева Кенгашидаги энг муҳим масала бўлди. Совет ҳукумати Европада ундаги барча давлатларнинг ва Америка Қўшма Штатларининг қатнашуви асосида коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Женева Кенгашида шу масала юзасидан биз таклим этган янги таклифлар Европада давлатларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган икки гуруҳи вужудга келтирилган ҳозирги шароитда аввало шу гуруҳлардаги давлатлар ўртасида бўлган муносабатларни нормал тинч ҳамкорлик қилиш, улар ўртасидаги низо'ларни тинч бартараф қилиш йўлига солиш зарурлигини ҳисобга олишга асосланган таклифлардир. Умумевропа хавфсизлиги системасини вужудга келтиришнинг мана шу биринчи босқичида совет таклифлари Шимолий Атлантик блокини, Ғарбий Европа иттифоқини ва Варшава шартномаси ташкилотини тугатишни кўзда тутмайди. Иккинчи босқичда ма'лум вақт ўтиши блан, Европадаги кескинликни юмшатишда ва давлатлар ўртасида ишонч ўрнатишда муваффақиятлар қўлга киритилгандан кейин маҳкур гуруҳлар тугатилиши ва уларнинг ўрнини Европадаги коллектив хавфсизлик системаси олиши мумкин бўлур эди.

Шу блан бир қаторда совет делегацияси, Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтирилганга қадар, Европадаги мавжуд гуруҳларнинг қатнашчилари бўлган давлатлар ўртасида куч қўлланишдан ўзаро воз кечиш тўғрисида ҳамда низо'ларни тинчлик воситалари блан ҳал қилиш ҳақида бамаслаҳат шартнома тузилсин, деб таклиф килди.

Европа хавфсизлиги масаласи устида бўлиб ўтган фикр олишувлар Кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси шу муҳим проблемани бамаслаҳат ҳал қилиш йўлини топишга интилаётганликларини кўрсатди. Бу проблемани бундан кейин кўриб чиқиш натижасида янада кўпроқ муваффақиятлар қўлга киритилур деб умид қиламиз.

Қуролсизланиш масаласига келганда Совет ҳукумати қурол-яроғларни қамайтириш, атом куролини тақиқлаш ва янги уруш хавфини йўқотиш тўғрисида Женева Кенгашидан олдин 10 майда ўзининг конкрет таклифларини тақдим қилган эди. Биз Женева кенгашида бизнинг позицияларимиз ё тўла равишда мос бўлиб тушган ёки бир-бирига анча яқинлашган масалалар юзасидан битимга келинганлигини қайд қилиб қўйишни таклиф этдик. Биринчи навбатда биз давлатларнинг қурол-яроғлари даражасини белгилаш тўғрисида, атом куролини тақиқлаш, самарали халқаро контроль системасини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келдик. Қуролсизланиш масаласини муҳокама қилиш шуни кўрсатдики, Кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси халқларнинг хавфсизлиги учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган бу муҳим проблемани ҳам бамаслаҳат ҳал қилиш йўлини топиш керак, деб айтдилар.

Шу муносабат блан шуни қайд қилиб ўтиш керакки, куролсизланиш масаласини муҳокама қилиш вақтида Кенгаш қатнашчилари томонидан айтилган таклифлар, ҳеч шубҳасиз, бу проблемани бундан кейин муҳокама қилиш вақтида ҳисобга олинади ва бизнинг бамаслаҳат зарур фикрга келишимиз учун хизмат қилади.

Совет ҳукумати ўз томонидан шуни айтадики, куролсизланиш проблемасини бундан буён кўриб чиқишда Совет ҳукумати бу проблемани халқларнинг истак-орзуларига мос келадиган қилиб ҳал этиш йўлини топмоқ учун ўзининг бутун кучини сарф қилади.

Бизлар Германия масаласи устида фикрлашиб олдик. Бу фикрлашиш вақтида бу масалага турлича қараш борлиги аниқланди. АҚШ, Буюк Британия ва Франция делегациялари Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида гапирганларида, Париж битимларига мувофиқ қайта ҳарбийлаштирилаётган Ғарбий Германия, кейин эса бирлаштирилган Германия ҳам Шимолий Атлантик гуруҳи ва Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқи составига кириши лозим деган фикрга асосландилар.

Совет ҳукумати Германиянинг миллий бирлигини қайта тиклашни изчиллик блан талаб қилиб, Париж битимларининг кучга кириши Германия масаласи устида музокаралар олиб бормоқ учун огир шароит тугдиришига, Германияни бирлаштириш ҳақидаги дискуссияни бетайин дискуссияга айлантириб қўйишига Париж битимлари ратификация қилинмасдан олдин ҳам э'тиборни жалб қилган эди.

Совет ҳукумати Германия масаласини ҳал қилишда фактлар блан ҳисоблашиш керак, деган фикрга асосланади.

Европадаги уруш бундан 10 йил муқаддам тамом бўлган эди. Шу муддат ичида икки Германия — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси барпо бўлди — буларнинг ҳарқайсиси ўзининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида эгадир. Бундан ташқари, Париж битимларига биноан, Германия Федерал Республикаси қайта ҳарбийлаштириш йўлига кирди ва Ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига қўшиб олинди. Германия Демократик Республикасига келганда, у, Париж битимлари тузилганлиги сабабли, Варшава шартномаси ташкилотида қатнашиш ҳақида қарор қабул қилди.

Равшандирки, бундай шароитда Германиянинг иккала қисмини — Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикасини тўпда-тўғри қўйиш масаласини қўйиб бўлмайди, чунки масалани бу тахлитда қўйиш реал иш бўлмайди.

Совет Иттифоқи Германияни тинчликсевар, демократик давлат қилиб бирлаштиришнинг қизғин тарафдори бўлиб келди ва шундай бўлиқ қолади. Биз шу нарсага қат'ий аминмизки, Германия проблемасини Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикасининг вакилларини иштирок этдирмасдан муҳокама қилиб бўлмайди.

Европада рўй берган вазиятда Германияни бирлаштиришга олиб борадиган бирдан-бир реал йўл шуки, тўрт давлат, шунингдек герман халқи Европадаги кескинликни юмшатиш йўлида давлатлар ўртасида ишонч ўрнатиш йўлида биргаликда куч ва ғайрат сарф қилишлари лозим. Германия бирлаштирилганга қадар Германиянинг ҳар иккала қисми тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок қилгани ҳолда Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш мана шу мақсадга жуда яхши хизмат қилган бўлур эди. Чунки бу нарса Европада тинчликни мустаҳкамлашга олиб борган бўлур эди ва герман милитаризмининг тикланишига гов солган бўлур эди, вақт ўтиши блан эса, ҳозирги вақтда Германияни бирлаштириш йўлида пайдо бўлган говлар ҳам олиб ташланган бўлур эди.

Иккинчи томондан, Германиянинг ҳар икки қисми — Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикаси ўртасида бўладиган яқинлашиш Германияни бирлаштирмоқ учун, унинг ички шароити нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Совет делегацияси бизнинг Кенгашимизда Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларига лозим бўлган даражада э'тибор берилмаганлигига афсусланади. Ваҳоланки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, хитой халқининг хеч шак-шубҳасиз ҳуқуқларини э'тироф қилиш асосида Тайвань районидаги аҳволни бартараф қилиш, Хинди-Хитой бўйича Женева битимларини бажариш ва бошқа шулар сингари масалалар асло кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Бизга бу проблемалардан ҳечқаёққа кетолмайміз, бу проблемаларни Осиё ва Узоқ Шарқда хавфсизлик ва тинчлик манфаатларини, халқаро тинчлик манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш керак бўлади.

Женева Кенгаши ҳал қилиш пайти келган халқаро проблемаларни бундан кейин биргаликда кўриб чиқмоқ ва ҳал қилмоқ учун йўл очди. Биз Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқаларни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида, давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий боғланишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам муҳим қарор қабул қилдик. Бу блан биз мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун негиз солдик.

Совет ҳукуматига келганда, у бундай ҳамкорликка ҳартомонлама кўмаклашишга тайёрдир. У, Кенгаш қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар ҳам мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига, умумий тинчлик манфаатларига мос келадиган мана шундай йўлдан борадилар, деб кўз тутади.

Буерда қабул қилинган қарорларнинг катта аҳамияти борлигини биз ҳаммамиз яхши биламиз. Бу қарорлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги босқичнинг бошланишидир. Бу қарорлар бизларнинг ўртамизда, халқларимиз ўртасида ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу қарорлар бошқа мамлакатлар учун, умумий тинчликни мустаҳкамлаш иши учун ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Тинчликка интилиш — барча халқларнинг энг қизғин интилишидир. Совет ҳукумати халқаро кескинликни юмшатишга ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қарорларимизнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган куч ва ғайратни сарфлайди. Бу эса, ҳали кўриб чиқишимиз ва ҳал қилишимиз керак бўлган масалаларни чиқам блан ва холисона кўриб чиқишни талаб қилади. Лекин агар биз ҳаммамиз буерда, Женевада бўлганидек ҳамкорлик руҳида ишлайдиган бўлсак, мана шунинг ўзи тинчликни сақлашдан иборат олижаноб мақсадга эришмоқни ва халқларнинг ўзларининг эртаги кунлари учун бехавотир бўлмоқларини та'минловчи мустаҳкам гаровдир.

Д. ЭЙЗЕНХАУЭР баёноти

Раис жаноблари! Жаноблар! Менлан илгари сўзга чиққан нотиқларнинг баёнотларидаги дўстлик руҳини ва яхши ниятларни табриклайман ва қизғин равишда қувватлайман. Лекин мендан бевосита олдин сўзга чиққан нотиқнинг айтиб ўтган ба'зи гапларига менинг индамай ўтишим бу гапларга индамай рози бўлишимни асло билдирмайди ва менинг индамаслигим шу тариқа талқин қилинмайди, деб умид қиламан.

Лекин биз буерда муҳокама қилган муҳим масалалар юзасидан Қўшма Штатларнинг позициясини Кенгашнинг охирги минутларида бу Кенгашга ва бутун дун'ёга э'лон қилиб ўтиришимнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Мен бу позиция аниқ-равшан деб умид қиламан ва ишонаман. Шу сабабли, менингча уни детальлари блан яна бир марта тажрорлаб ўтириш ончалик ўринли бўлмаса керак. Яхшиси мен кейинги ҳафтадаги ишларимиз тўғрисида ба'зибир гапларни айтиб ўтиш ҳамда келажакка ба'зи умидлар билдириш блан чекланаман.

Бу учрашув тарихий учрашув бўлди. Биз шу ҳафта ичида яхши ишлар қилдик. Лекин бизнинг бу биргаликдаги учрашувимизнинг чинакам аҳамиятини ва чинакам қимматини фақат тарих белгилаб беради; ҳукуматларимизнинг бундан буёнги ҳаракатлари бу Кенгашнинг муваффақиятини белгиламоқ учун ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлади.

Бизнинг бирнеча халқларимизга ва амалда бутун дун'ё халқларига тааллуқли бирқанча жуда қийин ва мураккаб масалаларни ошкора муҳокама қилдик.

Биз буерга узил-кесил қарорлар қабул қилмоқ учун тўпланмаган эдик. Биз қарорлар қабул қилишга олиб келаоладиган ва умумий тинчлик перспективаларини кўпайтираоладиган йўлни биргаликда топишимиз мумкинми эканлигини аниқлаб олишни истаган эдик.

Учрашувимизнинг мана шу охирги соатида мен, узоқ давом қиладиган тинчлик, адолат, фаровонлик ва катта яқинлик перспективалари очди деб ҳисоблайман. Жуда катта трагедия хавфи — ҳозирги замон урушининг хавфи ғамайди.

Бизнинг директиваларимизни амалга оширишга ҳаракат қиладиган ташқи ишлар министрларимизнинг иши катта аҳамиятга эга бўлади, эҳтимолки, биз бу ерда қилган ишларимизга қараганда ҳам каттароқ аҳамиятга эга бўлади. Улар ўз ҳукуматларининг асосий сиёсатини акс этдириб, буерда биз фақат умумий тарздагина муҳокама қилаолган ҳаракатларнинг йўли тўғрисида битимга келишлари лозим. Менга аёнки, ҳаммамиз уларга муваффақият тилаймиз.

Агар улар шу масалаларда орамизда бўлган англашилмовчиликларни йўқотиш мақсадида ҳукуматларимиз учун зарур деб топган ўзларининг зарур тузатишларини киритсалар, биз ҳаммамиз бу тузатишларни қўллаб-қувватлаймиз, мен бунга ишонаман.

Биз шу ҳафтада бир-биримизни яхшироқ билиб олдик, агар эндиги ойларда ва йилларда бизларнинг халқларимиз ҳам бир-бирларини яхши билиб олсалар ва яхши тушуниб олсалар, бу нарса ҳукуматларимиз ўртасида бундан буён битимга келишни осонлаштириши мумкин. Бу иш адолат руҳида қилинсин. Бу иш фаровонликни оширишга, эркинликни кенгайтиришга, қўрқувни, қулфатларни ва инсоният бошига тушадиган офатларни камайтиришга олиб келсин. Бу иш оқибатида одамлар орасида яхши ниятлар кўпайсин. Ана шундагина шу кунлар унутилмайдиган кунлар бўлиб қолади.

Инсоният урушдан ва уруш тўғрисидаги овозалардан халос бўлишга муштоқ деб ҳисоблаганлигим учун ҳам Женевага келдим. Бизнинг жаҳонда яшаб турган одамларнинг яхши инстинктли ва ақли расо эканлигига ҳамиша ишонганлигим учун мен буерга келдим. Бунга астойдил ишонганим ҳолда ва инсониятнинг умидлари ўз вақти блан рўёбга чиқсин деб дуо қилганим ҳолда бугун кечаси уйимга қайтаман.

Э. ФОР баёноти

Кенгашимиз ўз ишини тамомламоқда. Лекин бу блан биз бир-биримиздан ажралиб кетмаслигимиз лозим. Мен буни шу ма'нода айтаяпманки, агар биз, тўртговимиз эндиликда гарчи битта залнинг ўзида жам' бўлиб турмасак ҳам, лекин ма'навий жиҳатдан бизнинг ҳаммамизни битта ирода бирлаштириши лозим.

Ба'зи масалалар устида, ба'зи ҳужжатлар юзасидан ва ба'зи директивалар бўйича ўзаро битимга келганлигимизни гапирмаганда ҳам, мана шу учрашувимизнинг ўзи, бизнинг муҳокамаларимиз вақтида ҳукмрон бўлган руҳнинг ўзи, бунинг оқибати натижасида бир-биримизни тушуниб олганлигимиз халқаро муносабатларда чуқур из қолдиради ва шу муносабатларнинг ривожланишига яхши та'сир ўтказади, деган фикрни ифодалашга менга ижозат берингиз.

Биз буерда ҳаммамиз қат'ий қароримизни намойиш қилдик. Эндиликда биз бу қарорни бажариш воситасини топишимиз лозим. Бу йўлда биринчи қадам қўйилди, лекин ҳали тўсқинликлар бор. Биз бу тўсқинликларни яширишга уринмадик, чунки ҳарқандай прогресс ҳақиқат ёрдами блангина қўлга киритилиши мумкин.

Турмуш зўр беришга асосланган, турмушни ҳамиша куч олга суради, деган гап тўғри гап бўлса, эндиликда душманлик ва кескинлик эмас, балки бир-биримизни тушунишимиз ва дўстлик мана шундай зўр бериш бўлсин ва шундай куч бўлсин. Бизни вакил қилиб юборган халқларгагина эмас, бизга умид кўзи блан қараб турган бошқа халқларга ҳам хавфсизлик юзасидан кўриладиган зарур тадбирлардан ташқари яна тинчлик мақсадларида конструктив ва самарали ишларни ҳам таклиф қилиш имкониятига эга бўлишимиз лозим.

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ва В. М. Молотовнинг А. Иден блан учрашуви

ЖЕНЕВА, 23 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун кечқурун СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев ва СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов Буюк Британия Бош Министри А. Иден блан суҳбат қилдилар.

Англия томонидан суҳбатда Буюк Британия ташқи ишлар министри Г. Макмилдан, Буюк Британиянинг СССР даги элчиси У. Хэйтер ва ташқи ишлар министри ўринбосарининг ёрдамчиси Г. Каччиа ҳам қатнашдилар.

Совет томонидан суҳбатда СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. Малик қатнашди.

Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгашида қатнашган СССР ҳукумат делегацияси Женевадан жўнаб кетди

ЖЕНЕВА, 24 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** Тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашида қатнашган СССР ҳукумат делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва совет ҳукумат делегациясининг а'золари — СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ва СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков ва СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико бугун эрталаб Женевадан жўнаб кетдилар.

Куантрэн аэродромида совет ҳукумат делегациясини Женева кантон кенгашининг раиси Ф. Перреар, Женева шаҳрининг мэри Л. Билли, Швейцария сиёсий департаменти протокол бўлимининг мудири А. Доминиче ва бошқа расмий шахслар кузатиб қолдилар.

Совет ҳукумат делегациясини СССР делегациясининг маслаҳатчилари Я. А. Малик, С. А. Виноградов, Г. Н. Зарубин ва В. С. Семенов, делегациянинг экспертлари ва ходимлари, вакил П. И. Ершов бошчилигида СССРнинг Швейцариядаги миссияси составы кузатиб қолдилар.

Совет ҳукумат делегациясини бирқанча мамлакатларнинг Женевадаги дипломатик вакиллари, Франциянинг СССРдаги элчиси Л. Жокс ҳамда Швейцария ва четэл матбуотининг вакиллари ҳам узатиб қолдилар.

Аэродром СССРнинг ва Швейцариянинг давлат байроқлари блан безатилган эди. Фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Совет Иттифоқининг ва Швейцариянинг давлат гимнлари ижро этилди.

СССР ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. А. Булганин аэродромда микрофон олдида баёнот берди.

Совет делегациясининг Бошлиғи Н. А. Булганиннинг Женевадан учиб кетиш олдидан берган баёноти

Раис жаноблари, жаноблар!

Совет делегацияси Женевадан кететуриб Швейцария ҳукуматига ва Женева ма'мурларига совет делегацияси буерда бўлган вақтида ўзига нисбатан кўрсатилган э'тибор ва ҳамхўрлик учун қизғин ташаккур билдиради, бу э'тибор ва ҳамхўрлик тўғрисида бизда энг самимий эсдаликлар сақланиб қолади.

Совет делегацияси бизни шу қадар хурсандчилик блан кутиб олган Женева шаҳри аҳолисига ҳам ўзининг ташаккурини билдиради ва унга ўзининг чин кўнглидан саломларини ҳамда энг яхши истакларини юборади.

Кейинги кунлар мобайнида Женева бутун дун'ё халқларининг э'тиборини жалб қилиб турди. Женева Кенгаши ҳеч шубҳасиз халқаро вазиятга ижобий та'сир ўтказади.

Кенгашда биз давлатлар ўртасида шундай ишонч вужудга келтириш йўлини топишга эришдик, бундай ишонч бўлмаса одамлар ўз келажаклари учун бехавотир бўлишлари мумкин эмас.

Ҳал қилишишни талаб этаётган ҳамма проблемалар Женева Кенгашида дарҳол ҳал қилинади, деб кутиб бўлмас эди. Бу йўлда ҳали кўп иш қилиниши керак, брақ нуни айтиб ўтиш керакки, Женевада қилинган ишларнинг ўзи тўрт давлат ўртасидаги муносабатлардагина эмас, балки бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам янги давр очади.

Мана шуларнинг ҳаммаси давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни қамайтиришга, халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга ва янги уруш хавфини йўқотишга ёрдам бериши лозим.

Совет ҳукуматига келганда, у, Женева қарорларини бажармоқ учун, Женевада бошланган ишни давом этдирмоқ учун бутун кучини сарф қилади.

* * *

Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. А. Булганин Женевадан жўнаб кетишдан олдин Швейцария конфедерациясининг президенти М. Птипьерга ва Женева шаҳрининг мэри Л. Биллига қуйидаги мактубларни юборди:

Швейцария конфедерациясининг президенти Птипьер жанобларига

Президент жаноблари, Швейцария доирасидан чиқиб кетаётганимизда Сиздан Швейцариянинг тинчликсевар халқи ва федерал кенгаш томонидан бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учун Женевадаги тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқлари Кенгашида қатнашган Совет Ҳукумат Делегацияси номидан ва шахсан ўз номимдан билдирилган чуқур ташаккурни қабул қилишингизни сўрайман.

Сиз президент жанобларидан менинг Швейцария халқига фаровонликни, яйраб-яшнашни тилаб билдирган энг яхши истакларимни топширишингизни сўрайман.

Н. БУЛГАНИН.

1955 йил 24 июль.

Женева шаҳрининг мэри Билли жанобларига

Шундай ажойиб шаҳар бўлган Женевадан кететуриб, тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг Кенгашида қатнашган Совет Иттифоқи Ҳукумат Делегацияси номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ва шаҳар ма'мурларига бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учун чин қалбдан ташаккур билдиришни, шунингдек Женева шаҳри аҳолисига энг яхши истакларимизни топширишни истайман.

Н. БУЛГАНИН.

1955 йил 24 июль.

Совет ҳукумат делегацияси Германия Демократик Республикасига келди

БЕРЛИН, 24 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевлардан иборат совет ҳукумат делегацияси Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифи блан бугун Женевадан Берлинга келди.

Шенефельд аэродромида совет ҳукумат делегациясини Германия Демократик Республикасининг бош министри О. Гротеволь, Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Л. Больц, бош министр ўринбосарлари Г. Лох ва П. Шольц, министрлар, Катта Берлин обер-бургомистри Ф. Эберт, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитети сиёсий бюросининг а'золари Г. Матерн, К. Ширдеван ва Ф. Эльснер, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий комитетининг секретарьлари, демократик партияларнинг ва оммавий ташкилотларнинг раҳбар арбоблари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

Совет ҳукумат делегациясини СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Г. М. Пушкин, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, совет элчихонасининг мас'ул ходимлари, Германиядаги совет қўшинлари қўмондонлигининг вакиллари, дипломатик корпус а'золари ҳам кутиб олдилар.

Делегацияни Берлин корхоналари, муассасалари меҳнаткашларининг ва ўқув юртларининг вакиллари ҳам кутиб олдилар.

СССРнинг ва Германия Демократик Республикасининг давлат байроқлари блан безатилган аэродромда халқ полициясининг фахрий қоровули саф тортиб турди. Совет Иттифоқининг ва Германия Демократик Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Германия Демократик Республикасининг бош министри О. Гротеволь кутиб олиш вақтида қуйидаги баёнотни берди.

Отто Гротеволь баёноти

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ва аҳолиси СССР ҳукумат делегациясини самимий хурсандчилик ва мамнуният блан табриклайди. Женева Кенгаши тамом бўлгандан кейин Германия Демократик Республикасида бирнеча кун меҳмон бўлишга чақириб биз томондан қилинган таклифни делегация қабул этганлиги учун хурсандмиз. **(Қарсаклар).**

Биз, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганинни, СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ Н. С. Хрушчевни ҳамда уларнинг ходимларини табриклаймиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бутун дун'ё халқлари, шу жумладан немис халқи ҳам ўтган ҳафтада Женевага жуда катта э'тибор блан кўз тикиб турдилар. Ҳамма халқлар учун хавфсизликни та'минлаш, куролсизланиш ва атом куролини тақиқлаш ҳамда Германия проблемасини ҳал қилиш масалалари юзасидан СССР томонидан қилинган конструктив таклифлар туфайли Женевадаги музокаралар халқаро кескинликнинг умуман ғамайишига олиб келди.

СССРнинг ва бутун тинчлик лагерининг изчил тинчлик сиёсати ҳамда уларнинг ҳамжиҳатлиққа интилаётганликлари халқаро воқиаларга ҳал қилучи та'сир ўтказганлиги аниқланди. Совуқ муносабатлар урушини тўхтатиш тўғрисида Женевада олиб борилган музокаралар бутун дун'ё халқлари яроғ-аравонлик сиёсатини рад қилаётганликларини ва халқаро ҳамжиҳатликни ҳамда тотув яшашни ёқлаб чиқаётганликларини кўрсатди. Германия ва немис халқи ўз ватанининг бирлиги тинч ва демократик асосда қайта тиклаиши учун янги умидларга эга бўлмоқда. Модомики Женевада тўрт давлат кескинликни юмшатишга эришган эканлар, Германиянинг ҳар иккала қисмидаги немислар ҳам бунга эришмоқлари ва Германия масаласи юзасидан битимга келишлари лозим. Женева Кенгашининг ишларидан биз немислар учун келиб чиқадиган муҳим хулоса шудир.

Биз СССР ҳукумат делегациясига тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлаш манфаатларини кўзлаб актив иш олиб борганлиги учун ўзимизнинг ташаккуримизни билдирамиз ва сиз, азиз ўртоқларни Германия Демократик Республикасида чин қалбдан табриклаймиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин аэродромда қуйидаги баёнотни берди:

(Н. А. Булганин баёноти учинчи бетда).

Н. А. БУЛГАНИН баёноти

Ўртоқ бош министр!
Ўртоқлар!

Германия Демократик Республикасига келганлигимизга чинакам хурсанд бўлганлигимизни билдирамиз ва бу ерда бизнинг шаъ'нимизга айтилган табриклар ва дўстона сўзлар учун ташаккур айтамиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Биз сизларнинг олдингизга Женевадан келдик. Тўрт давлат — Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари бошлиқларининг Женевадаги Кенгаши ҳозиргина тамом бўлди. Женева Кенгаши, ҳеч шубҳасиз, халқаро вазиятга ҳайрли та'сир ўтказади. Кенгашда бирқанча муҳим халқаро проблемалар юзасидан — Европа хавфсизлиги, Германия масаласи, қуролсизланиш, Шарқ блан Ғарб ўртасида алоқалар боғлаш проблемалари юзасидан фикр олишув бўлди. **(Қарсаклар).**

Кенгашда қабул қилинган қарорлар, шунингдек ҳукуматлар бошлиқларининг якуновлчи, охирги баёнотлари э'лон қилинди. Кенгаш ишларининг ижобий натижалари шу ҳужжатлардан кўриниб турибди.

Германия масаласида кенгаш бамаслаҳат шундай қарорга келдики, эркин сайловлар ўтказиш воситаси блан Германия масаласини ҳал қилиш ва Германияни қайта бирлаштириш герман халқининг миллий манфаатларига ва Европа хавфсизлиги манфаатларига мувофиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Бироқ, биз шу нарсадан кўз юмишимиз мумкин эмаски, Германия проблемасини ҳал қилишга кенгашда бир-биридан фарқ қилучи икки хил қараш борлиги ма'лум бўлди. Ғарбдаги уч давлат делегациялари, қайта ҳарбийлаштирилаётган Ғарбий Германия, сўнгра эса бирлаштирилган Германия ҳам, Париж битимларига биноан, НАТОга ва Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқига, я'ни ғарбий давлатларнинг ҳарбий гуруҳларига кириши лозим, деб қаттиқ туриб олдилар. Совет ҳукумати, ма'лумки, Ғарбий Германиянинг НАТОга ва Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқига қўшилиши, Ғарбий Германиянинг Париж битимлари шартларини қабул қилиши Германияни тинчликсеварлик ва демократик негизларда бирлаштириш имкониятини йўққа чиқаради, деб неча қайталаб айтиб келди. Шу сабабли, совет делегацияси Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб, Германияни бирлаштиришнинг Женевада бошқача йўлини қаттиқ туриб талаб қилди.

Биз шундай фикрга асосландикки, дастлаб Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси, сўнгра эса бирлаштирилган Германия Умумевропа коллектив хавфсизлик системасига киришлари лозим, Европа хавфсизлиги тўғрисидаги шартноманинг қатнашчилари бўлишлари лозим, бу шартнома милитаризмни ва у блан бирга урушнинг ҳамма даҳшатларини ва одамлар учун азоб-уқубатли кунларни тиклашни та'минламасдан, балки тинчликни та'минлаши лозим. **(Гулдурос қарсаклар).** Бу йўл герман халқининг, шунингдек Европадаги бошқа халқларнинг ҳам тинчликсевар демократик Германияни барпо қилишга манфаатдор эканликларини ҳисобга олади, бундай тинчликсевар демократик Германия Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида Европанинг бошқа давлатлари блан бирликда ҳамкорлик қилган бўлур эди ва тинчликсевар бошқа мамлакатлар блан бирликда урушга қарши курашган бўлур эди. **(Қарсаклар).**

Сўнгра совет делегацияси, Германия масаласини Германияда вужудга келган реал вазиятни ҳисобга олмай ҳал қилиб бўлмайди, деган фикрда ҳам қаттиқ турди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин ўтган 10 йил мобайнида Германия территориясида иккита суверен давлат — Германия Демократик Республикаси ва Германия Федерал Республикаси барпо бўлди. Шуларнинг ҳарқайсиси ўзининг алоҳида иқтисодий ва ижтимоий укладига эгадир. Шу давлатлардан ҳарқайсисининг суверен ҳуқуқлари бошқа давлатлар томонидан танилган.

Бунинг ма'носи шуки, Германияни бирлаштириш масаласини ҳал қилишда Германия Демократик Республикасининг фикри блан ҳам, шунингдек Германия Федерал Республикасининг фикри блан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Бошқача сўз блан айтганда, бу масалани немисларнинг ўзларини иштирок қилдирмасдан ҳал қилиб бўлмайди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Бунинг ма'носи яна шуки, кимки Германияни бирлаштиришга ҳақиқатан интилаётган экан, у, Европада хавфсизликни та'минлаш йўлида биргалашиб иш олиб бориш соҳасида ҳам, шунингдек Германиянинг ички ишларида ҳам Германиянинг ҳар иккала қисми ўртасида яқинлашув бўлишини истамаслиги мумкин эмас.

Германияни бирлаштиришга, герман халқининг қонуний миллий орзуларини қондиришга олиб келадиган ва рўёбга чиқариш бирдан-бир мумкин бўлган йўл мана шудир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет Ҳукумати Германия масаласини муҳокама қилишда бу йўлни бундан бўён ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилади, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас **(Қарсаклар).**

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига ва бутун герман халқига Совет Иттифоқи Ҳукуматининг самимий табрикларини ва энг яхши истакларини топширишга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Совет ҳукумат делегациясининг ГДРда бўлиши

БЕРЛИН, 24 июль. (ТАСС). Германия Демократик Республикасига келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевдан иборат составдаги Совет ҳукумат делегацияси бугун Трептов-паркда Берлинни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасига ўрнатилган ҳайкал тагига гулчамбар қўйди. Гулчамбарда қуйидаги сўзлар ёзилган: «Инсониятни фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган Совет Армияси жангчиларига. Женева кенгашига қатнашган Совет ҳукумат делегациясидан».

Гулчамбар қўйиш маросимида ГДР бош министри О. Гротеволь, бош министр ўринбосарлари Г. Лох, П. Шольц, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг а'золари Г. Матерн, К. Ширдеван, министрлар, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг секретарьлари, демократик партиялар ва оммавий ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Гулчамбар қўйиш вақтида СССРнинг ГДРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Г. М. Пушкин ва Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, дипломатик корпус а'золари, жамоатчилик вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

* * *

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевдан иборат составдаги Совет ҳукумат делегацияси бугун Берлиндаги Фридрихофельд қабристонида немис ишчилар ҳаракатининг буюк арбоблари қабрига ҳам гулчамбар қўйди. Гулчамбарга қуйидаги сўзлар ёзилган: «Немис ишчилар ҳаракатининг арбобларига. Женева кенгашида қатнашган Совет ҳукумат делегациясидан».

Гулчамбар қўйиш вақтида Германия Демократик Республикасининг бош министри О. Гротеволь, бош министр ўринбосарлари Г. Лох, П. Шольц, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг а'золари Г. Матерн, К. Ширдеван ва Ф. Эльснер, министрлар, демократик партиялар ва оммавий ташкилотларнинг раҳбар арбоблари ҳозир бўлдилар.

Гулчамбар қўйиш маросимида СССРнинг ГДРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Г. М. Пушкин ва дипломатик корпус а'золари ҳозир бўлдилар.

ГДР Бош Министри Совет ҳукумат делегациясини қабул қилди

БЕРЛИН, 24 июль. (ТАСС). Бугун Германия Демократик Республикасининг бош министри Отто Гротеволь ҳукуматнинг таклифи блан келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчевдан иборат составдаги Совет ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Суҳбат вақтида ГДР ташқи ишлар министри Л. Больц ва СССРнинг ГДРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Г. М. Пушкин ҳозир бўлдилар.

АҚШ Президенти Д. Эйзенхауэр Женевадан жўнаб кетди

ЖЕНЕВА, 23 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр бугун кечқурун Женевадан самолётда учиб кетди.

Аэродромда АҚШ президентини Швецария сиёсий департаменти (ташқи ишлар министрлиги) протокол бўлимининг мудири А. Доминиче, Женева кантони ҳукуматининг бошлиги Ф. Перреар, Женева шаҳрининг мэри Л. Билля ва АҚШнинг Швецариядаги элчиси Ф. Уилис кузатиб қолдилар.

Д. Эйзенхауэр аэродромда баёнот бериб, Федерал ҳукумат ма'мурларига ва Женева кантони ҳамда шаҳри ма'мурларига уларнинг кўрсатган меҳмондўстликлари учун ташаккур билдирди.

АҚШ давлат секретари Д. Даллес бундан олдин самолётда учиб кетди.

Д. Даллес аэродромда қисқача баёнот бериб, Кенгаш натижаларидан ўзининг мамнун эканлигини айтди.

А. Иден ва Э. Фор Женевадан жўнаб кетдилар

ЖЕНЕВА, 24 июль. (ТАСС). Бугун Англия бош министри Антони Иден самолётда Женевадан Лондонга учиб кетди. У аэродромда қисқача баёнот берди; у ўз баёнотида Женева кенгашининг иш натижаларига тўхталди. Жумладан, Иден матбуот вакилларига бундай деди: «Менинг фикримча, бизнинг бу ерда эришган натижаларимиз яхши натижалардир».

ЖЕНЕВА, 24 июль. (ТАСС). Бугун Франция Министрлар Советининг Раиси Эдгар Фор самолётда Женевадан Парижга жўнаб кетди.

Ҳарбир туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бўлиши учун кўрашайлик!

* * *

Шогирд устоз блан мусобақалашмоқда

Саратоннинг жазирама иссиқ кунлари. Тўрлаб, қорайиб кетган Серкавой ака университетчи Воҳиб Шодмонов ишидан хабар олгач, дала шийпонига қайтар эди, шунда раисга луч келди. У «салом-алик»дан кейин, раисга Воҳиб Шодмоновни мақтайкетди:

—Воҳибжоннинг ишига қойилман, чарчаш нималигини билмайди. Кўрган киши, «ғўза ана шунақа культивация қилинсада» деб хурсанд бўлади. Ахир тушгача 7 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқарипти, азамат, — деди.

Раис ҳам Серкавой ака мақтаётган университетчини яхши биларди, унинг ишидан ҳамавақт хабардор ва миннатдор эди. Шунинг учун бўлса керак, бригадирнинг сўзига қўшимча қилди:

—Воҳибнинг трактори ўтган қатордаги ғўзада бошқаларникига қараганда кўсак кўп бўлади, чунки у, ишнинг сифатига аҳамият беради.

Раис блан бригада бошлиғи суҳбатда давом этишди. Раис ярим йўлга боргганда бригадирга ишонч кўзи блан қараб:

— Ишим яхши дейсиз-у, аммо шогирдингиздан орқада қолаяпсиз,— деди. — Исҳоқ сиздан ўзиб кетди, ғўзалари белбоққа уради, бир бориб кўрсангиз...

Раис бу гапларни, «уларнинг иши намуна олсангиз-олгундай», деган мазмунда айтган эди. Буни Серкавой ака ҳам тушунди, жиддий тусга кирди. У, шийпонда раис ёнига сурилиб ўтирар экан, унга ма'ноли қарали:

— Ғўзаси яхши дединг-ки, яхши бўлса яхшидир-у, лекин бизнинг ғўзалар ҳам уникидан қолишмайди, қайси тупини қайириб қарасангиз, гиж-риж шона, гул. Пихидан чиққан кўсакларни ҳам кўрасиз.

— Бир пайкалдаги ғўзани кўриб, ҳаммасини яхши деб бўлмайди-да, Серкавой-ака,—раис атрофга назар ташлар экан, дала шийпони рўпарасидаги пахтазорга ишора қилди,—яхши бўлса мана бу пайкалдаги ғўзаларингиз яхшидир, лекин ичкарироқ кириб борган сари ғўзаларингизнинг меваси кам...

Серкавой ака яна бирнима демоқчи эди-ю, унинг сўзини раис бўлди:

— Исҳоқ яқингинала сизнинг бригаданингизда звено бошлиғи бўлиб ишларди. У, сиздан ўрганди, намуна олди. Мана энди Исҳоқнинг ўзи бригадага бошчилик қилмоқда, сиз бўлсангиз ҳали ҳам у, менинг шогирдим, мендан ўзиб кетолмайди, деб беташвиш юрибсиз...

Тажрибали бригада бошлиғи Серкавой ака айтмоқчи бўлган фикридан қайтди шекилли, раиснинг гапини ма'қуллаб қўяқолди. Аммо шунда унинг кўнглида ўз шо-



Бригада бошлиғи ўртоқ С. Исаев

гирди, ҳозирда эса мусобақадоши Исҳоқ бригадасига бориш орзуси туғилди. Бориб келса ҳам бўлади, унча узоқ эмас-ку, нима учун шу вақттача бир зовурни хатлаб ўтиб, Исҳоқ бригадасини кўриб келмади. Илғорлардан намуна олиш фойдадан бошқа нарса эмас-ку. Мен эски пахтакорман, унга бориб тажриба ўрганишим тўғри келармикин, деган мулоҳазани ҳозирги вақтда ким юритиши мумкин.

Серкавой ака ўз кўнглидан ана шу фикрларни ўтказар экан, яна раис гап бошлади:

— Улар мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун чиниқамига курашяпти, ғўзаларни тўрт марта парвариш қилишди, озиқлантиришни ҳам ўз вақтида ўтказаётганликлари учун ғўзанинг ривожи ҳам, ҳосил олиши ҳам яхши.

Раис блан бригада бошлиғи суҳбатлашиб ўтирганда, бригаданинг барча а'зоси ҳам дала шийпонида эди. Улар ўз бригадирларининг ҳижолат бўлганлигини чин кўнгилдан фаҳмладилар, бригадада ғўзанинг бирхил ривожланмаётганлигига дастлаб уларнинг ўзи ҳам айбдор эканликларини билдилар. Шу блан бирга улар ҳали вақт борлигини, ғўза парваришини янада кучайтириш йўли блан мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини ҳам яхши сезардилар. Бригада бошлиғи ва колхозчилар раис олдида қат'ий ва'да бердилар. улар:

— Ғўзамизни қолган кунлар ичида юқори сифатли парвариш қилиб, ҳамма майдонларда мўл ҳосил етиштириш учун курашамиз,— дедилар.

* * *

Шу кунларда Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхоз далаларида бўлсангиз, барча пахтакорлар ва механизаторлар зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилаётганларини кўрасиз. Июльнинг сўнгги кунларигача айрим пайкаллардаги ғўзаси қолоқ деб ҳисобланган Серкавой ака Исаев бошлиқ бригадада ҳам иш кучайтириб юборилди. У ўз шогирди, мусобақадоши Исҳоқ Боғаудинов бошлиқ бригада а'золаридан орқада қолмаслик, бир-бирларига ёрдамлашиш ва маслаҳатлашиш йўли блан ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтиришга аҳд қилди. Ҳозирги кунларда ҳар иккала бригада а'золари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар ғўза тупларида шона ва гулларни кўпайтириш, кўсакларни тезроқ етилтириш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Мусобақадош бригадаларда сугориш айниқса намунали ўтказилмоқда. Юқори сифатли парвариш қилинаётган ва етарли миқдорда минерал ҳамда маҳаллий ўғит аралашмаси блан озиқлантирилган бу бригадаларнинг ғўзалари серҳосил бўлиб етилмоқда.

Энди Серкавой ака ўз шогирди Исҳоқ блан тез-тез гаплашиб турадиган, унинг билганларини ўз бригадасида қўлланадиган, Исҳоқ унутган тадбирларни унга айтиб турадиган бўлиб қолди. Ана шу бирдамлик, ҳамкорлик ҳар икки бригадада муваффақиятларга эришишда ҳал қилучи роль ўйнамоқда.

У. ЖОНГИТОВ.

Юсуфали Тиловов 1000 гектар ердаги ғўзани культивация қилди

Ўртачарчиқ районидаги Каганович номли колхозда хизмат қилаётган 1-нчи МТС-нинг ўртоқ Қодиров бошлиқ 11-нчи трактор бригадасининг универсалчилари чигит экишда янги, прогрессив усулни кенг қўлланиб, юқори кўрсаткичларга эришган эдилар. Бригаданинг моҳир универсалчиси ўртоқ Юсуфали Тиловов ўз агрегатидан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда чигит экишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлган эди.

Ўртоқ Юсуфали Тиловов ўз муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида зўр ғайрат блан ишлаб, ҳозиргача 1000 гектардан ортиқ ердаги ғўзани культивация қилди. Ўртоқ Тиловов культивация қилган яшил квадратлардаги ғўзалар кундан-кунга ҳосилни кўпайтирмоқда.

У. ЙЎЛДОШЕВ.

Ғўза тупларида кўсак кўп

Ўз касбининг устаси Қутбиддин Зиёвиддинов кўп йиллардан бери Мирзачўл районидаги Охунбобоев номли колхозда бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. Бригада а'золари Қутбиддин аканинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларига амал қилганлари ҳолда, мавжуд ишчи кучи ва техникадан тўла ҳамда унумли фойдаланиб, ҳар йили пахта тайёрлаш планини ошириб бажараётирлар.

Бригада а'золари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида ғўзаларни квадратуялаб жойлаштириб, ғўза парваришини юқори агротехника асосида сифатли ўтказмоқдалар. Ҳозир барча участкадаги ғўзалар уч марта комплекс парваришдан чиқарилди.

— Ғўзани ўз вақтида қондириб сугориш, — дейди Қутбиддин ака, — мўл ҳосил тўплашда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам сугоришни тажрибали колхозчилар Т. Мирсолиев, Қ. Муртозаев ўртоқларга топшириб қўйилган. Улар эгатларга сувни пай усулида текис таратиб, ғўзаларни қондириб сугораётирлар.

Ҳозир бригада ғўзасида 5—7 талан бўлиқ кўсак бор.

С. АЗИМОВ.

Паркент ва Юқоричирчиқ районлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Паркент район ғаллакорлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, давлатга ғалла топшириш планини бажардилар. Давлатга ўтган йилга нисбатан 2500 центнер ортиқ ғалла етказиб берилди. Район колхозчилари пландан ташқари давлатга яна 1000 центнер ғалла топшириш юзасидан қўшимча мажбурлят олдилар.

* * *

Шунингдек, Юқоричирчиқ районининг колхозлари ҳам ғалла тайёрлаш планини биринчилар қаторида 100,1 процент қилиб адо этдилар. Районда ўтган йилдагига нисбатан 205 тонна ортиқ ғалла тайёрланди.

Ҳозир ҳар иккала районда ҳам давлатга ғалла топшириш қизғин давом этдирилмоқда.

Бир бўлимда икки хил аҳвол

«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг ўртоқ П. Тожибоев бошчилик қилаётган 4-нчи бўлимига борган киши бригадаларда ғўза парваришидаги ишлар икки хил эканлигиги кўради.

Бўлимнинг ўртоқ Аҳмедов бошлиқ бригада ишчилари ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, ички резервлардан ва моддий техникадан унумли фойдаланган ҳолда, ғўза парваришида юксак натижаларга эришмоқдалар. Бригада а'золари шу кунгача 101 гектар ердаги ғўзани 4 марта культивациядан, 3 марта чуқур чопиқдан чиқардилар. Улар ғўзани озиқлантириш, талаб ва эҳтиёжларига қараб қондириб сугоришга ҳам алоҳида а'тибор бераётирлар.

Бригаданинг илғор, тажрибали сувчиларидан Умар Хасанов, Хайтқўзи Норбоев ўртоқлар сугоришни агротехника қоидалари асосида ўтказиб, смена нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажараётирлар. Ана шунинг натижасида бригаданинг барча майдондаги ғўзаси соғлом ривожланиб, мўл ҳосил тугмоқда. Ҳар туп ғўзада 10 — 12 тадан ҳосил шоҳи ва 4 — 5 тадан кўсак санаш мумкин.

Лекин, шу бригада блан чегарадош, бир ариқдан сув ичадиган Аминжон Арслонов ва Азиз Хўжаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда аҳвол бутунлай бошқача. Бу бригадаларда ишчи кучларидан, моддий техникадан тўла ва унумли фойдаланилмаётганлиги сабабли, ғўза парвариши ҳаддан ташқари орқага судралмоқда. Айниқса, ўртоқ Арслонов бошчилик қилаётган бригададаги аҳвол кишини ачинтиради. Бригаданинг ғўзалари шу кунгача фақат икки марта культивация қилиниб, бир мартагина чопиқдан чиқарилган. 10 — 15 кунлаб ўсишдан қолаётган ғўзаларга ҳалигача қўшимча озиқа берилмаган. Кўпчилик карталардаги ғўзалар ўз вақтида сугорилмаганлиги учун қовжираб ётибди. Бригаданинг 17, 18, 19-нчи карталаридаги ғўзалари сифатсиз ишланганлиги сабабли гумой ва бегона ўтлар орасида қолиб кетган.

Бундай ачинарли аҳвол бўлим ва бригада бошлиқларининг ўз ишларига мас'улиятсизлик блан қарашлари натижасида содир бўлмоқда. Улар ишчи ва механизаторлар томонидан олиб борилаётган иш устидан тўғри контрольлик қилмаётирлар, Талабчанликни бутунлай бўшаштириб юборганлар. Шунинг учун ҳам бригада а'золари ишга кеч чиқиб, эрта қайтадиган, прогул қиладиган бўлиб қолганлар.

Бу бригадада 60Х45 схемаси асосида чигит экилган анчагина ер бўлишига қарамай, «шароити кўтармайди» деган бўлмағур баҳона блан иккитомонлама ишлашга аҳамият берилмаётир. Бўлим бошлиғи Тожибоев, агроном Васильев ўртоқлар бу тўғрида ҳечқандай ташвишланмайдилар. Улар бригада бошлиқлари блан келишувчилик йўлига ўтиб олганлар.

Совхоз раҳбарлари 4-нчи бўлимнинг ишини чуқур ўрганишлари, қолоқ бригаларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш учун курашишлари, ҳамда июль ойининг ҳарбир кунидан унумли фойдаланган ҳолда, ғўза парваришини кучайтириб юборишлари керак.

Д. ТОШХУЖАЕВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Кўсак қуртини бутунлай йўқотайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини муваффақиятли бажаришда ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларидан тўла сақлаб қолиш катта аҳамиятга эга.

Кўсак қурти пахта ҳосилига жиддий зарар етказучи ҳашаротдир. Бу қурт ғўзанинг асосий мева органлари — шона, гул, тугунча ва кўсакларига тушиб, айниқса катта зарар келтиради. Ҳарбир қурт ўз умри давомида 15—20 мева элементини ёки 100—150 грамм пахтани йўққа чиқариши мумкин.

Агар бу зараркунанда авж олиб, урчиб кетса ҳарбир туп ғўзада 10—15 тадан қурт бўлиши мумкин. У ўз вақтида қириб ташланмаса пахта ҳосилини 40 процентгача нобуд қилади.

Кўсак қурти биргина ғўзага эмас, балки маккажўхори, жувари, ерёнғоқ, помидор, тамаки, гаримдори, каноп, канакунжут ўсимликларига ҳам зарар етказади. Кўп ҳолларда кўсак қурти ана шу ўсимликларда урчиб, кейиндан ғўзага ўтади.

Кўсак қурти капалагининг ўзи ўсимликка зарар етказмайди.У кечаси ҳаёт кечиради. Капалак қоронғи тушиши блан учади, сўнгра ўсимлик учига, одатда ўсиш нуқтаси яқинидаги шонанинг уст томонига, гул ёнига ва ёш барглларга битта-дан тухум қўяди. Ҳарбир капалак 3000 тагача тухум қўйиши мумкин. Тухум қўйилгандан 3—7 кун ўтгач, майда, шарсимон, тиниқ сариқ тухумлардан тиниқ сариқ рангдаги қуртчалар чиқади ва улар ёш шона, бошпоя ва ёш шохлар учидаги гул остини теши, унинг ичига кириб олади. Қуртлар ўсган сари серҳаракат ва серозуқ бўлиб қолади. Вояга етган қуртлар нуқул ғўза, мева элементлари блан озиқланиб, кўпинча бутун-бутун кўсакларни ҳам еб қўяди. Одатда қурт бутун умрини битта ўсимликда ўтказади. Бироқ озиқ етишмай қолганда қурт қўшни ўсимликларга ҳам ўтиб, 3—4 ўсимликка зарар етказиши мумкин.

Кўсак қурти шикастлаган шона, гул, тугунча, кўсаклар қуриб тўкилади, йириқ кўсаклар кўпинча чирийди.

Кўсак қурти 15—18 кун умр кўради, бу даврда у беш марта туллайди. Демак қурт 6 ёшга киради. У охирги ёшида ерга тушади ва тупроқ орасида «гор» қазиб 50—60 сантиметр чуқурликка тушиб унга киради ва ғумбакланади. Ғумбаклик даврида кейин, яна капалак пайдо бўлади. Умуман кўсак қурти бир авлодининг ривожланиши 30—40 кун давом этади ва у пахта ўсиш даври давомида 3 та ба'зан 4 та авлод беради. Қишни омон-эсон ўтказган битта ғумбак капалак авлодидан жуда кўп қуртлар туғилади. Кўсак қуртига қарши курашда уларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирлар катта роль ўйнайди. Бу тадбирлар, янги сугориш усулига ўтиш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш, зараркунандаларнинг доимий пайдо бўлиб турадиган манба'ларини йўқотишдан иборат.

Дастлаб кўсак қурти экинда пайдо бўлганида уни дарҳол йўқотиш керак. Шу блан бирга далада ва унинг атрофида бегона ўтлар бўлмаслиги лозим. Кўсак қурти тўпланган майдонлардаги ғўза ва бошқа экинлар қатор орасини тез-тез ишлаб туриш ҳам кўсак қуртининг тупроқ ичига кирган қуртни, шунингдек, ғумбакларни ўз-ўзидан йўқотилишига ёрдам беради.

Ғўзани ўз вақтида, синчиклаб чеканка қилиш ҳам анча фойдали. Бу ҳолда юлинган ғўза учлари далада четга чиқариб ерга кўмиб ташланса, ўсимлик учига қўнган кўсак қурти тухуми ва қурти кўп даражада йўқотилади.

Кўсак қуртининг пайдо бўлганини ўз вақтида аниқлаш ва унинг тарқалмаслигининг олдини олишда пахта далаларини қунт блан текшириб кўриш жатта аҳамиятга эга. Ма'лумки, кўсак қурти капалаги ғўза шоналаган ва гуллаш пайтида тарқалади. Шунинг учун бу қуртнинг бор-йўқлигини баҳор фаслининг охирида фақат ғўзада эмас, балки тамаки, помидор, гаримдори ва бошқа экинларда қидириб кўриш лозим. Камида ҳар беш кунда далани бир марта текшириш, бунда даланн шахмат шаклида кесиб ўтиб, ҳар гектар ердан бештадан нусха (намуна) олиш керак. Ҳарбир текширилган жойда 3—5 ўсимликни назоратдан ўтказиш зарур.

Текширишда кўсак қурти ёки унинг тухум қўйган жойи ма'лум бўлганида ўша жойлар дарҳол дориланади. Бунда зараркунанда тушган жойлар ДДТ, арсенат кальций ёки гексохлоран блан чангланади ёки шу дорилар суспензияси блан пуркалади. Орадан 6—10 кун ўтгач, такрор шу дорилар блан чангланади ёки пуркалади. Ёки экин ерига ДДТ, арсенат кальций, агар бу дорилар бўлмаса арсенат кальций қўшиб тайёрланган захарли емлар ташланади. Кейиндан эса зараркунанда пайдо бўлган ерлар ма'лум бўлиши ҳамоноқ, дарҳол дориланиб ёки ем ташланиб туради. Ҳаргал ҳам қуртларнинг ёши э'тиборга олинади. Уларга ёшлигида дори чангланса ёки пуркалса, вояга етганда захарли ем ишлатилади.

Дори трактор ашпарати, шунингдек самолёт блан чангланса, ҳар гектар ерга 20—30 килограмм ДДТ ёки 1.5 килограмм арсенат кальций ишлатилади. Агар ем тайёрланса унга 10 процент ДДТ ёки 8 процент арсенат кальций, ё эса 2 процент арсенат кальций ёхуд арсенат натрий қўшилади. Агар захарли ем машина блан ташланса ҳар гектарга 50—60 килограмм, қўл блан солинса 70—80 килограмм ем сарфланади.

Химиявий дорилашнинг тузук та'сир бериши учун комбинацион усулни қўлланиш керак. Бунда ОДН, ОУН—4 машиналаридан фойдаланиб порошоксимон дорилларни пуркаш, захарли ем ташлаш блан бир вақтда ДДТ, гексохлоран ёки арсенат кальций эмульсияларини пуркаш мумкин бўлади. Бу ҳолда дорининг та'сири 1,5 — 2 баравар ортади ва ўсимликда кўп ушланиб қолади.

Дори кўсак қурти ёшлигида чангланади ёки пуркалади. Бироқ, қуртнинг ёши ошган сари бу дорилар та'сири камаяди, иккинчи захарли ем ташлаш кўпроқ фойда беради.

Ҳамма ёшдаги қуртлар учун баробар та'сир этучи янги «30 процентли ДДТ захарли еми дусти» (уни) ишлатиш тавсия этилади.

Бу дорини тайёрлаш учун ун қилиб майдаланган кунжарага 30 процент стандарт ДДТ уни қўшилади. Шундан кейин кунжара ва дори синчиклаб текширилади, элаклан ўтказилади, сўнгра ерда юриб ёки самолётдан туриб сепилади.

Ҳозир ҳамма ерда кўсак қурти капалаги тухумлай бошлади. Кўп жойларда эртаги сабзавот экинларида кўсак қурти кўплаб пайдо бўлаётир.

Областимиз МТС ва совхозлари етарли даражада кучли машина ва ашпаратлар блан қуролланган, граждан ҳаво флоти бу иш учун ўнлаб самолётларни ишга тахт қилиб қўйибди. Улар биринчи чақиқиндаёқ учишга тайёр. Дориворлар ҳозирланган, мутахассислар ҳам бор. Демак ҳосилни зараркунандалардан сақлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

МТС, колхоз, совхоз раҳбарлари, агрономлар кўсак қуртига қарши курашни ўз вақтида ўтказишлари, ҳосилни тўла сақлаб қолиш учун астойдил курашишлари зарур.

И. СОМОВ,
СоюзНИХИ илмий ходими.



24 июльда Тошкентда Ўзбекистон касаба союзлари республика спартакнадаси очилди. **Суратда: «Динамо» стадионида спартакнада қатнашчиларининг паради.**
И. Глауберзон фотоси.

Кўнғиротга поезд келди

ҚЎНҒИРОТ, (Қорақалпоғистон АССР), 25 июль (ЎзТАГ). Кеча Чоржўй-Кўнғирот темирйўли қурилишида из ётқизилиб бўлди. Шаҳарга биринчи поезд келди. Қорақалпоғистоннинг шимолий районлари учун белгиланган фахрли юкни — қишлоқ хўжалик машиналарини, бинокорлик ва бошқа хил материалларни келтириш жаби шарафли вазифа Урганч локомотив депосининг энг яхши машинисти, тепловоз комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати В. Ф. Демченкога топширилди.

Бу муҳим воқиага бағишлаб вокзал олдидаги майдонда митинг ўтказилди. Митингда олти мингга яқин темирйўлчи, қурувчи, Шуманай ва Кўнғирот районларининг яқин атрофлаги қишлоқларидан келган аҳоли қатнашди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Жўманазаров митингни очиб, йиғилганларни темирйўл қурувчиларинг меҳнатда эришган катта ғалабаси блан табриклади, темирйўл ходимларига ўз ишларида муваффақият тилади.

Қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ғ. Хўжаев пўлат магистрал қурувчиларнинг қаҳрамонона меҳнатлари тўғрисида гапирди.

Митингда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси П. Сеитов, из ётқизувчилар бригадири Х. Бобожонов, Кўнғирот ёғ заводининг ишчиси Р. Хўжаниёзов ва бошқалар ҳам сўзладилар. Улар янги магистралнинг республикада ишлабчиқариш кучларини янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида сўзладилар.

Ўзбекистон ССР ҳукумати ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети номидан митингда Ўзбекистон КП МК секретари ўртоқ А. Э. Ниёзов нутқ сўзлади.

...Соат ўнуч. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси М. Жўманазаров қизил лентани кесади. Тантанали марш садолари остида поезд янги станцияда ўрнатилган триумфаль арка орқали ўтади. Чоржўйдан Кўнғиротгача бўлган магистралда поездлар қатнови бошланди.

СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунининг байрам қилиниши

Тошкент меҳнаткашлари СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунини тантанали суратда хурсандчилик блан нишонладилар.

Байрам арафасида Тошкентда Офицерлар Округ уйи маданият ва истироҳат паркининг ёзги театрида офицерлар ва генераллларнинг партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари блан биргаликда умумхалқ байрамига бағишланган йиғилиши бўлди. Клубларда ва маданият саройларида Коммунистик партия раҳбарлигида ташкил қилинган совет Ҳарбий-Денгиз Флотининг шонли тарихи тўғрисида лекциялар ва докладлар ўтказилди, «СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти» темасида виставкалар очилди.

Шаҳар маданият ва истироҳат парклларида мингларча меҳнаткашлар халқ сайиллларида қатнашди. Очиқ эстрадаларда байрам концертлари бўлди, совет дентизчилари тўғрисидаги кинофильмлар кўрсатилди.

Якшанба — 24 июль куни ДОСААФнинг ва кўнгили спорт жамиятларининг Комсомол қўлидаги сув станцияларида Ҳарбий-Денгиз Флоти Кунига бағишланган мусобақалар ўтказилди. Сув станциялари хилма-хил ранглаги байроқлар блан байрамга хос қилиб безатилган эди. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка оладилар

Бу воқиа Тошкентдаги «Ватан» ёлик кинотеатрида 16 июль куни бўлди. Ҳамма «Рио Эскондидо» номли янги Мексика бадиий фильмини кўриш иштиёқида эди. Билет олиш ниятида навбат кутиб турганлар ўртасида тез-тез норозилик билдириб, айтилган сўзлар эшитилиб турипти. Ҳамма-ҳамма-ю, лекин навбатни «тартиб»га солиб турган шаҳардаги 6-нчи милиция бўлимининг ходими старшина Норхўжа Умархўжаев дам ўтмай ўзига тегишли қандайдир кишиларни олиб келиб, навбатнинг кассага яқин ерига киргизиб қўяр ва бу блан ўзи тартибни бузарди. Навбатда турганлар старшинанинг бу «ташаббус»идан норози эканликларини бирнеча бор айтдилар. Аммо Умархўжаев кўзини кўр, қулоғини кар қилиб, ўз «фаолиятини» давом этдираберди.

Соат ўн яримга етар-етмас касса эшиги бекитилди. Янги кинофильмни кўриш орзусида келган кўпгина кишилар билет ололмай қолдилар.

—Энди нима қилдик, — деди Тошкент физкультура техникумининг ўқитучиси С. Ашрапов ёнидаги шеригига. Шу вақт ёшгина бир йигит овозининг борича:

— Кимга билет керак! — деб қичқириб юборди. Бу вақтда Норхўжа Умархўжаев, бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури деб, четдаги скамейкада «дам» олаётган эди. Билет сотучини ҳамма ўраб олди. Кўп ўтмай қўлда ҳам билет қолмади. Бу орада кипонинг иккинчи сеанси бошланди.

Энди навбат кинотеатр контролёрларидан Мурод Исломов ва Хайриддин Насриддиновларга келди. Улар бошланг бўлиб, енг шимариб ишга тушдилар. Насриддинов эшик олида турар, Исломов эса кинога киручилардан 3—4 тасидан пул йиғиб олиб, уларни ичкарига олиб кирарди. Бу воқиаларни «хушёрлик» блан бир четда кузатиб турган Умархўжаев ҳам «ғайрат»га кириб кетди. У ҳам «кўз қиймас ёри биродар»ларини ичкарига қўяберди. Умархўжаевнинг бу «марҳаматидан» ҳатто шу ерда пистачка сотадиган қизлар ҳам четда қолмади. Хуллас, бу учта учар ўзларини хон, қўланкаларини майдон билиб, бемалол «ҳаракат» қилмоқда эдилар.

Кино бошланганига 20 минутча бўлди. Йиғилганларни иккита-учталаб ичкарига қўйиб, тамом қилиб бўлмади. Иштаҳаси ҳаккалак отиб кетган Исломов ва Насриддиновлар қулай фурсатни қўлдан бой бермаслик учун бу соҳада «янгилик» жорий қилдилар.

—Ҳаммангиз ҳам кино кўрмоқчимисизлар?— деди сурбетларча Насриддинов йиғилганларга мурожаат қилиб,—Сиздек акаукаларнинг кўнглини олмасак, — у, атрофга олазарак бўлиб, бир қараб қўйди,— бу дунёда нима қилиб, бош кўтариб юрибмиз. Гап бундай: ҳаммангиз 2 группага бўлининг, бир группа нарироққа бориб турсин. Узингиз биласизлар-ку, яхшиликнинг қадрига етмайдиган қаҳрил одамлар ҳам бор-да.

Виждонини жиғилдонга айлантириб юборган бу «сахий» 15 кишидан 45 сўм пул йиғиб олди ва уларни ичкарига киритди. Орадан бироз ўтгач, шиавандалик қилиниб, иккинчи группа ҳам кинога қўйилди.

Кинотеатр раҳбарлари одат тусига кириб бораётган бу воқиаларнинг ишдаги ингасигача биладилар, кўрадилар, аммо нечундир индамайдилар, ўзларини гўлликка солдилар, ўз ходимларинг ножўя қадам босаётганликларини кўрсалар ҳам кўрмасликка, билсалар ҳам билмасликка оладилар. Ким билади дейсиз, бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур.

И. СУЛАЙМОНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Бир аризадаги нуқсонлар"

Шу сарлавҳа блан чиққан бир материалда республика паспорт бўлими тарқатган ариза — 1-нчи форма варақасида э'тиборсизлик натижасида таржимада тескари жумлалар, ма'носиз сўзлар ва имловий, стилистик қўпол хатоликларга йўл қўйилгани танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР милиция Бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Акопжановнинг редакцияга хабар қилишича текширишда газетада кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Муҳим хужжатнинг таржимасига э'тиборсизлик блан қараб, қўпол хатоларга йўл қўйган паспорт бўлимининг ходими ўз вазифасидан бўшатилган.

Милиция бошқармаси ариза — 1-нчи форма варақасини қайтадан таржима қилиб, тузатдириб бостириш тадбирларини кўрган.

В. М. МОЛОТОВ ЮФХРНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЭЛЧИСИ А. БЕБЛЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ЖЕНЕВА, 23 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов 21 июльда Югославия Федератив Халқ Республикасининг Франциядаги элчиси Алеш Беблерни қабул қилди. А. Беблер тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгаши муносабати блан Югославия Федератив Халқ Республикасининг расмий кузатучиси сифатида Женевага келган эди.

В. М. Молотов Г. К. Жуков ва А. А. Громико ўртоқлар Женевадан Москвага қайтиб келдилар

СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари бошлиқларининг Кенгашида Совет ҳукумат делегацияси составида қатнашган СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри В. М. Молотов, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков ва СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико 24 июль кечқурун Женевадан Москвага қайтиб келдилар. (ТАСС).

Стокгольмдаги совет элчихонасида қабул маросими

СТОКГОЛЬМ, 23 июль. (ТАСС). Кеча СССРнинг Швециядаги элчиси К. К. Родионов СССР авария-қутқазиш хизмати делегациясининг Швецияга қилган сафари тугаганлиги муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Швеция томонидан лавозимсиз министр Б. Нурденстам, ташқи ишлар министрлигининг бош секретари А. Лундберг, Швеция қутқазиш хизмати бўлимининг бошлиғи Х. Ханссон, Швециянинг СССРдаги элчиси Р. Сульман, Швеция қутқазиш хизмати бўлимининг раҳбар арбоблари, буксир-кемаларни кўтариш жамиятининг раҳбар арбоблари, Швеция ташқи ишлар министрлиги ва савдо министрлигининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Польша тикланиши кунининг байрам қилиниши

ВАРШАВА, 23 июль. (ТАСС). Поляк халқи ўзининг миллий байрамини — Польшанинг тикланиши кунини тантанали суратда хурсандчилик блан нишонлади. Республиканинг шаҳарларида ва ишчилар поселкаларида физкультурачиларининг парадлари, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Зеленая Гурадаги дўстлик митингида Германия Демократик Республикасининг вакиллари қатнашдилар. Видгош шаҳрида ёшларнинг 100 минг киши қатнашган слёти бўлди. Слётда Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг арбоблари ва ёшлар ҳамда студентларнинг яқинда бошланадиган Жаҳон фестивалининг қатнашчилари ҳозир бўлдилар. Белосток воеводлигида ва мамлакатнинг бошқа воеводликларида ҳам шундай слётлар бўлиб ўтди.

Польша матбуоти мамлакат меҳнаткашларининг байрамолди мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида, янги саноат об'ектлари ишга тушганлиги, уй-жойлар қурилиши битказилиб фойдаланишга топширилганлиги ва бошқалар ҳақида жуда кўп хабарларни босмоқда.

СССР блан ЮФХР ўртасида тузилган Савдо Битими ва Тўлов Битимининг ратификация ёрлиқлари айирбошланганлиги тўғрисида ахборот

1955 йил 23 июльда Белградда ССР Иттифоқининг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. А. Вальков ва ЮФХРнинг Ташқи ишлар бўйича Давлат маслаҳатчиси доктор Милан Бартош Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Югославия Федератив Халқ Республикаси ўртасида 1955 йил 5 январьда Москвада имзоланган ва СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1955 йил 18 июльда ҳамда ЮФХР Халқ окупшчинасининг Иттифоқ Ижроия Вечеси томонидан 1955 йил 12 июльда ратификация қилинган Савдо Битими ва Тўлов Битимининг ратификацион ёрлиқларини айирбошладилар.

Ратификацион ёрлиқлар айирбошланган вақтда:

Совет томонидан: СССРнинг ЮФХРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси Ф. Н. Грязнов, СССРнинг ЮФХРдаги савдо вакили Я. И. Кросюк, элчихонанинг биринчи секретарьлари А. Е. Малишев, Н. Қ. Тупицин ва элчихонанинг иккинчи секретари Ю. Ф. Любимов;

Югославия томонидан: Давлат маслаҳатчиси Элчи Стане Павлич, Ташқи ишлар бўйича давлат секретариатининг бўлим бошлиғи вакил Драгое Журкич, Давлат секретариатининг маслаҳатчилари Владимир Сайчич, Миша Леви, Драгослав Марич ва Владимир Маринович ҳозир бўлдилар.

Д. ХАММАРШЕЛЬДНИНГ ЖЕНЕВА КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

СТОКГОЛЬМ, 24 июль. (ТАСС). Матбуотда хабар берилишича, БМТ бош секретари Даг Хаммаршельд отпускасини ўтказиш учун кеча Женевадан Швецияга келган. Хаммаршельд Мальмга келгандан кейин мухбирларнинг саволларига жавоб бериб, Женева кенгаши «жуда қулай вазиятда ўтди» деган. Унинг фикрича, бу ҳол «фавқулодда муҳим фактдир».

«Дагенс нюхетер» газетасининг хабар беришича, Хаммаршельд Женева кенгашининг қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш соҳасидаги аҳамияти тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, Женевада, шунингдек бундан аввал Лондонда бунинг учун «яхши асос яратиб берилди» деган.

БМТ бош секретари ўқтириб ўтдики, деб ёзади «Стокгольмс тиднинген» газетаси, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан Женевада бўладиган конференция энг катта илмий конференция бўлади, унда 66 мамлакатнинг олимлари атом энергиясини ўрганиш соҳасидаги ўз билимларини биринчи марта сўзлаб берадилар.

«ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАЛ ҚИЛУЧИ ҚАДАМ»

БУДАПЕШТ, 24 июль. (ТАСС). Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женевадаги Кенгаши Венгрия жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бугунги газеталар якунловчи мажлиса қабул қилинган муфассал материаллар ва ҳужжатларни кўзга кўринарли ўринда босиб чиқардилар. Газеталар Женева кенгашининг муваффақиятли ўтганлигини та'кидламоқдалар. «Сабад неп» газетаси сарлавҳасида бундай деб ёзади: «Женева кенгаши муваффақиятли тамом бўлди. Ҳукуматларнинг бошлиқлари кун тартибида турган ҳамма масалаларни юзасидан бир қарорга келдилар. Август ойида БМТ қуролсизланиш комиссиясининг кичик комитетида, октябрь ойида тўрт ташқи ишлар министрлари кенгашида ҳукуматларнинг бошлиқлари ишлаб чиққан асосий принципларга мувофиқ равишда музокаралар давом этдирилади».

«Мадьяр немзет» газетаси Кенгаш якунларига бағишлаб «Тинчлик йўлида ҳал қилучи қадам» сарлавҳали бошмақола босиб чиқарди. Венгер халқи, деб ёзади газета, Женева кенгашининг тарихий аҳамиятга эга бўлган натижаларини қувонч блан табрикламоқда. Бу муваффақият — тинчликни сақлаш учун юз миллионларча тинчликсевар кишилар томонидан олиб борилган қаттиқ кураш натижасидир, мамлакатлар ўртасида ишонч ва ҳамкорликни тиклаш соҳасида Совет Иттифоқи юргузган сиёсатнинг галаба қилганлиги натижасидир.

Юқори доираларда бўлган музокараларда тўла битимга келинди

ДЕҲЛИ, 24 июль. (ТАСС). Ҳамма газеталар тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женевадаги кенгаши муваффақиятли тамом бўлганлигини қониқиш блан хабар қилмоқдалар.

«Санди стандард» газетаси «Юқори доираларда бўлган музокараларда тўла битимга келинди. Ташқи ишлар министрлари тафсилотларни муҳокама қиладилар» деган сарлавҳа остида Женевадан олинган хабарларни босиб чиқарди.

«Таймс оф Индиа» газетаси Женева кенгашининг якунлари тўғрисидаги хабарни «Тўрт буюк давлат октябрь ойида бўладиган музокараларнинг асослари тўғрисида келишди» деган сарлавҳа остида э'лон қилди.

«Хиндустан таймс» газетасининг махсус мухбири Женевадан берган хабарида «Женевадаги кенгаш тўла муваффақият блан тамом бўлди» деб ўқтириб ўтади. Газета Женевадан берилган ахборотни қуйидаги катта сарлавҳа остида э'лон қилди: «Ҳамма моддалар бўйича тўла битимга келинди. БМТ комиссияси қуролсизланиш ҳақидаги таклифларни муҳокама қилади. Ташқи ишлар министрлари Германия масаласини кузда ўрганиб чиқадилар».

«Совуқ муносабатлар уруши» тугатилабошланди

КОПЕНГАГЕН, 24 июль. (ТАСС). Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женевадаги якунловчи мажлиси Дания матбуотининг диққат марказида турипти. Кенгаш ўз ишини давом этдираётган вақтда ба'зи газеталар газетхонларни «ихтилофларни бартараф қилиш мумкин эмас» деб ишонтирмоқчи бўлиб уринсалар ҳам, эндиликда ҳамма газеталар, Женевадаги кенгашда катта прогрессга эришилди, деб ўқтириб ўтмоқдалар.

«Дагенс нюхетер» газетаси сарлавҳасида «Женевада бирликка эришилди» деб ёзмоқда.

«Берсен» газетаси «Женева «совуқ муносабатлар уруши»нинг тугатилабошланганидан дарак беради» деб ёзади. «Социал-демократен» газетаси Женева кенгашига бағишлаб бошмақола босиб чиқарди. Газета бу мақоласида бундай деб ёзади: Вазиятга реал нуқтаи назаридан баҳо берганда, бирнеча йиллар давомида, ҳал этиб бўлмайдиган проблемалар, деб ҳисобланиб келган проблемаларни беш-олти кун ичида ҳал этиб бўлади деб кутиш мумкин эмас эди. Кенгашнинг асосий аҳамияти шундаки, деб ёзади газета, кенгаш тинчликсеварлик характерида бўлди ва «янги музокаралар учун замин тайёрлади».

Совет қишлоқ хўжалик делегациясининг АҚШда бўлиши

ЭЙМС (Айова штати), 23 июль. **(ТАСС махсус мухбири).** 22 июльда совет қишлоқ хўжалик делегацияси Айова штатининг асосий қишлоқ хўжалик ўқув юрти ва илмий-текшириш маркази блан, я'ни— Эймс шаҳридаги штат колледжи блан танишишни тамомлади.

21 июльда делегация колледжнинг қандай ташкил қилинганлиги блан ва агрономия факультетининг фаолияти блан танишди, бу факультетнинг ўқув биноларини, лабораторияларини, илмий-экспериментал фермасини кўздан кечирди.

21 июль кечқурун колледж президенти Жеймс Хилтон совет делегацияси шарафига зиёфат берди. Қабул маросимида колледжнинг назоратчилар кенгаши а'золари, факультетларнинг деканлари, профессорлар ва ўқитучилар, маҳаллий ма'мурларнинг важиллари ҳозир бўлдилар.

Совет делегациясининг раҳбари СССР қишлоқ хўжалик министрининг биринчи ўринбосари В. Мацкевич хурсандчилик блан кутиб олганликлари учун колледж арбобларига ташаккур изҳор қилди. Сўнгра у колледж арбобларининг илтимосига биноан, Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш системаси тўғрисида сўзлаб берди ҳамда колледж профессорлари ва ўқитучиларининг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

22 июльда делегация а'золари группаларга бўлиниб, агрономия факультети кафедраларининг иши блан, лабораторияларнинг фаолияти ва илмий кадрлар тайёрлаш системаси блан танишдилар. Тушдан кейин совет делегациясининг а'золари колледжнинг илмий-экспериментал фермалари далаларида бўлдилар. Улар далачилик, чорвачилик, ветеринария соҳаларида ва қишлоқ хўжалик процессларини механизациялаш соҳасида қилинаётган илмий ишлар блан танишдилар, шунингдек колледж илмий ходимларининг СССРда қишлоқ хўжалигининг ҳозирги замон бирқанча проблемалари юзасидан берган саволларига муфассал жавоб қайтардилар.

Индонезия Компартияси Сиёсий бюросининг баёноти

ЖАКАРТА, 23 июль. (ТАСС). Бугун Жакартада Индонезия Компартияси Сиёсий бюросининг баёноти э'лон қилинди. Баёнотда кейинги воқиаларга обзор берилади ва халққа мурожаат қилиниб, мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилиш хавфи борлиги ва Индонезиянинг ички ишларига ажнабийларнинг аралашиш хавфи борлиги муносабати блан ҳуш'ёр бўлишга чақирилади. Компартия Сиёсий бюроси ватанпарвар кучларни бирликни мустаҳкамлашга ва парламент демократиясини ҳимоя қилишга чақирмоқда.

Канадада забастовка ҳаракати

ОТТАВА, 23 июль. (ТАСС). Канада меҳнат министрлигининг ма'лумотларига қараганда, 1955 йилнинг июнь ойида мамлакатда 29 марта забастовка бўлган. Бу забастовкалардан ба'зилари июль ойида ҳам давом этмоқда.

Дастлабки ма'лумотларга кўра, 1955 йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида Канадада жам'и 73 марта забастовка бўлган. Бу забастовкаларда 21.542 ишчи қатнашган.

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ УМУМХИТОЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИДА

ПЕКИН, 23 июль. (ТАСС). Кеча халқ вакиллари Умумхитой мажлисининг навбатдаги яллиг йиғилиши бўлди. ХХР Олий халқ судининг раиси Дун Би-у ХХРдаги халқ судларининг фаолияти ҳақида гапириб, халқ судлари давлат қонуниларининг бутун кучини мамлакатнинг хавфсизлигига таҳдид қилаётган ва халқ хўжалигини ривожлантиришга халақит бермоқчи бўлаётган контрреволюцион элементларга ҳамда бошқа жиноятчиларга қарши қаратишлари керак, деб ўқтириб ўтди.

Кечаги мажлисда Хитой демократик иттифоқи раиси вазифасини бажаручи Шэнь Цзюнь-жу ҳам нутқ сўзлаб, бешйиллик планни «социализмни амалга ошириш программаси, келгуси авлодлар учун гуллаб-яшнашни ва бутун дунёда тинчлик ўрнатишни та'миллайдиган программа» деб та'рифлади. Интеллигенциянинг бурчи, деб ўқтириб ўтди Шэнь Цзюнь-жу, саноатни, фан ва техникани ана шу бешйиллик планни бажариш ишига, социализм ишига хизмат қилдиришдан иборатдир.

Сўнгра сўзга чиққан ХХР маориф министри Чжан Си-жо ўз докладида қайд қилиб ўтдики, бешйилликнинг охирига борив ўрта мактабларда ўқучилар сони 4 миллион 707 минг кишига, бошланғич мактабларда эса — 60 миллион 230 минг кишига етади, я'ни мамлакатдаги мактаб ёшида бўлган болаларнинг 70 проценти ўқишга жалб қилинади. Бу йил, деб ўқтириб ўтди Чжан-Си-жо, маориф ишларига 1946 йилдагига нисбатан 29 баравар кўп маблағ сарфланади.

Мажлисда чет элларда яшаб турган хитойларнинг иши блан шуғулланучи комиссия раиси Хэ Сян-ний, буддачилар Умумхитой ассоциацияси раиси вазифасини бажаручи Си Жао Цзя-со, ХХР темирйўллар министрлигининг бош инженери Ван Чжучжэнь ва бошқалар ҳам сўзладилар. Ҳамма нотиқлар бешйиллик планни қўллаб-қувватладилар.

Совет олимлари Парижга жўнаб кетди

Анатомларнинг VI Халқаро конгрессида қатнашмоқ учун Совет олимлари делегацияси 23 июльда Москвадан Парижга самолётда учиб кетди. Делегация составида СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент-а'зоси профессор Д. А. Жданов ва профессор Б. А. Дол-Сабуровлар бор.

Совет олимлари конгрессда илмий докладлар қиладилар.

Жанубий Вьетнамда аҳвол

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: 23 июльга ўтар кечаси Сайгонда электростанция портлатилди. Портлаш натижасида 6 та трансформатордан 4 таси ишдан чиқди ва шаҳарнинг учдан икки қисми чироқсиз қолди.

Нго Динь Дьем ҳукуматини қўллаб-қувватлаётган реакцион ёшлар ташкилотининг штаб-квартирасида бугун узоқ вақт туриб портлайдиган мина портлади.

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги корхоналари базасида Умумиттифоқ Автомобиль саноати министрлиги ҳамда Умумиттифоқ Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ташкил қилди, бу министрликларга СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган рўйхатдаги тегишли корхона ва ташкилотларни топширди.

Президиум СССР Автомобиль саноати министри қилиб ўртоқ Николай Иванович **Строкинни** тасдиқлади.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри қилиб ўртоқ Григорий Сергеевич **Хламов** тайинланди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — отпускага чиқиш олдидан сўнгги спектакльлар — ёзги бинода: 26, 28, 30/VII да **Қутлут қон.** 27/VII да **Ҳамза,** 29/VII да **Оғриқ тишлар,** 31/VII да кундуз — қишки бинода **Оғриқ тишлар,** кечқурун — ёзги бинода **Гамлет,** кечқурун — қишки бинода **Юрак сирлари.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/VII да **Травиата,** 27/VII да **Етти гўзал.**

«ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутгача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан кеч 10 гача).

«РОДИНА», қишки НАВОИЙ номли, қишки «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ» «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий музикали кинокомедия **Чаван. доз қиз.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Вена квартети.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ярим, 11 ва кундуз 12 яримда янги ҳужжатли фильм **Ҳиндистон Республикасининг Бош Министри Жавоҳарлар Неру Совет мамлакатида,** кеч соат 10 да **Қувноқ юлдузлар.**

«ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли, ёзги «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Чавандоз қиз.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Дадил разведка,** кечқурун **Душманлар ва дўстлар.**

«Узпромсовет»нинг
ТОШКЕНТ ПРОФТЕХНИКА МАКТАБИ
камида 7 синф ҳажмида ма'лумотли, 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган йигит ва қизлардан
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Профтехника мактабида: 1) **хотин-қиз устки кийим мастерлари,** 2) **эркак устки кийими мастерлари,** 3) **дурадгорлик-мебельчилик иши мастерлари тайёрлайдиган бўлимлар бор.** Ўқиш муддати 3 йил.
Мактабга киручилар: рус тилидан (ёзма ва оғзаки), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон берадилар.
Ўқучилар ётоқ блан та'минланмайди.
Адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Қорасой кўчаси, 226-нчи уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 05247. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1471.